

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ
Мухтарам ҳамкасблар!

Сизларни навбатдаги
«ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРИНИ САҚЛАШ ВА
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ»
номли VIII Халқаро илмий-амалий конференцияда
иштирок этишга таклиф қиламиз!
Нукус шаҳри (Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон), 16-17 июл 2020 йил

Мазкур конференция Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қарори билан 2006 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб келинмоқда. Конференцияни ўтказишдан мақсад – мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилишга тегишли мутахассисларни, олимларни ва аҳолининг кенг қатламини жалб қилиш.

Конференция иши қуйидаги шўъбаларда ўтказилиши режалаштирилмоқда:

- биологик ресурсларнинг долзарб муаммолари;
- тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини химоя қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;
- биология ва экология соҳаларида таълим бериш муаммолари.

Конференциянинг ишчи тиллари: ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз

Конференцияда иштирок этиш шакллари:

- Шахсан: конференцияда доклад билан чиқиш, материалларни босмадан чиқариш.
- Сиртдан: конференцияда шахсан қатнашмасдан материалларни эълон қилдириш.

Қатнашиш шартлари:

Конференцияда илмий муассасалар раҳбарлари ва ходимлари, таълим муассасалари ишчилари ва илмий ходимлар, докторантлар ва магистрантлар иштирок этишлари мумкин.

Конференцияда оғзаки доклад қилиш ва деворий доклад шаклида қатнашиш мумкин. Конференцияга тақдим этилаётган докладлар долзарб муаммолар ечимига бағишланган ёки муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Конференцияга тақдим этилган материалларни нашр этиш кўзда тутилган бўлиб, бунда уларнинг ҳажми 2 бетдан кам бўлмаган ва 4 бетдан ошмаган бўлиши керак. Конференция материалларининг ўз вақтида нашр этилишини таъминлаш мақсадида Сиздан материалларни **2020 йилнинг 1 июнигача** жўнатишингизни Сўраймиз. Битта муаллиф бир доклад билан, ҳаммуаллифликда эса 3 тагача доклад билан иштирок этишлари мумкин. Матн А4 форматдаги оқ қоғозга, юқоридан ва пастдан 2,5 см, чапдан 3,0 см ва ўнгдан 1,5 см чегаралар қолдириб, жойлаштирилади ва **албатта электрон шаклда ҳам тақдим этилади**. Доклад материаллари рақамланмайди ва Microsoft Word редакторида Times New Roman шрифтида 14 ўлчамда (интервал 1,0) rtf форматда расмийлаштирилади.

Материал номи бош (катта) ҳарфлар билан, кўчирилмасдан, марказга ёзилади. Кейин кичик ҳарфлар билан муаллифнинг исми-шарифи, фамилияси, шаҳар, мамлакат, иш жойи, e-mail кўрсатилади. Доклад муаллифининг исми-шарифи ва фамилиясининг тагига чизилади.

Талабларга жавоб бермайдиган ҳолда расмийлаштирилган ва белгиланган муддатдан кечикиб юборилган материаллар босиб чиқарилмайди.

Қабул қилиш муддати: 2020 йил 1-июнгача.

Ташкилий кўмита:

- Аимбетов Н.К. - раис
- Нарымбетов Б.Ж. – масъул котиб
- Мамбетуллаева С.М. - масъул котиб
- Мусаев А.
- Матжанова Х.К.
- Утемуратова Г.Н.
- Матекова Г.

Конференцияда иштирок этиш бўйича саволлар туғилган ҳолда, **қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:**

230000 Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, Бердах шоҳ кўчаси, 41-уй.

ЎзР ФА Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти.

тел. (8 361) 222-17-45, 222-16-97. **Факс:** (8 361) 222-17-44

E-mail: info@aknuk.uz

Сизни докладингизни қабул қилгач, ташкилий комитет аъзолари Сизга 2020 йил 15-июнгача таклифнома юбориб, иштирокингизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ташкилий взнос – **60000** сўм, чет эл ва МДХ давлатлари фуқаролари учун – 20 USD.

Пул ўтказиш йўли билан тўлаш учун:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига:

ЎзР молия вазирлиги ягона казн.

Р/с 23402000300100001010

ИНН 201122919 МФО 00014

Банк: МБ.ББХКМ г.Ташкент

Тўлов мақсади Ш/хв 400110860354017950100043003

ИНН 207149981

ЎзР ФА Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-

тадқиқот институти, конференцияда қатнашиш учун

Конференцияда иштирок этиш учун ҳар бир муаллиф қуйидаги шаклдаги АРИЗА тўлдирадилар

1. *Фамилияси, исми-шарифи* _____
2. *Доклад номи:* _____
3. *Илмий даражаси, илмий унвони:* _____
4. *Лавозими:* _____
5. *Мамлакат, шаҳар:* _____
6. *Ташилот номи:* _____
7. *Манзили: (Телефон/факс):* _____
8. *E-mail:* _____
9. *Пленар/шўба/стенд доклади шаклида чиқиш қилмоқчиман (керагини таги чизилсин)*
10. *Шўба ишида иштирок этмоқчиман (шўба номи кўрсатилсин)*

11. *Меҳмонхонада жой бронлаш кераклиги: Ҳа/Йўқ*